

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Халқаро шахмат
Академияси
Директори
Ўринбосари



“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон Шахмат
Федерацияси
Бош котиби



20 ИЮЛ ХАЛҚАРО ШАХМАТ КУНИ

РЕЙТИНГ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИШ НИЗОМИ

I. Мусобақаларнинг мақсад ва вазифалари

- Ўзбекистонда шахмат спорт турини оммалаштириш ва ривожлантириш, спорт ва маданий анаъналарини сақлаш ва кўпайтириш, спортчиларнинг маҳоратини ошириш;
- Шахмат спортини оммалаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги ПҚ-4954-сон қарори ижросини таъминлаш;

II. Мусобақаларни ўтказишга раҳбарлик қилиш

Мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказишга Ўзбекистон Шахмат Федерацияси ва Халқаро Шахмат Академияси томонидан амалга оширилади.

Мусобақаларни ўтказишга бевосита ҳакамлар ҳайъати жалб этилади.

III. Мусобақаларни ўтказиш вақти ва жойи

Мусобақа 2022 йил 20 июлда Халқаро Шахмат Академиясида соат 16:00 ташкил этилади. Мусобақа рўйхатдан ўтишнинг охири куни – 20 июл, соат 09.00 дан 12.00 гача. Рўйхатдан ўтиш онлайн амалга оширилиши мумкин.

IV. Мусобақа иштирокчилари

Турнирда Халқаро шахмат Академиясининг халқаро рейтингга эга бўлган ўқувчилари, шунингдек, рўйхатдан ўтган бошқа шахмат клубларининг ёзма аризаларига кўра (ҳар бир клубдан 5 кишидан кўп бўлмаган, халқаро рейтингга эга барча иштирокчилар) иштирок этишлари мумкин.

V. Мусобақаларни ўтказиш тартиби

Мусобақалар Халқаро шахмат федерациясининг амалдаги қоидалари асосида ташкил этилади. Мусобақа блиц йўналишида ташкил этилади. Мусобақа 9 турда швейцарча тизимда бўлиб ўтади. Иштирокчиларга ўйин охирига қадар 3 дақиқа вақт берилади, биринчи юришдан бошлаб ҳар юришга 2 сониядан вақт қўшиб борилади.

VI. Ғолибларни аниқлаш

Швейцарча тизимда мусобақа ғолиблари тўплаган очколари сонига қараб аниқланади. Ҳар бир ўйинчининг ғалабаси учун - 1 очко, дуранг учун - 0.5 очко ва мағлубият учун - 0 очко берилади.

Очколар сони тенг бўлганда қуйидаги қўшимча кўрсаткичлар инобатга олинади:

- ўзаро учрашув (агар барча иштирокчилар ўзаро ўйнаган бўлса),
- Бухгольц коэффиценти,
- Ўртача Бухгольц коэффиценти,
- қоралар билан ғалабалар сони.

Қолган ўринларни аниқлашда қуйида кўрсаткичлар ҳисобга олинади:

- Бухгольц коэффиценти,
- Ўртача Бухгольц коэффиценти,
- қоралар билан ғалабалар сони.

VII. Мусобақа ғолибларини тақдирлаш

1,2,3-ўринни эгаллаган спортчилар Ўзбекистон шахмат федерациясидан томонидан диплом, медал ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланадилар.

VIII. Дресс-код

Чемпионат вақтида барча иштирокчилар ФИДЕнинг дресс-кодга оид талабларига риоя қилишлари шарт. Калта шим, очик оёқ кийимлар ва куёшдан ҳимояловчи кўзойнақлар, спорт шапкаси ва очик кийимлар тақиқланади.

Шунингдек, иштирокчилар дресс-кодга чемпионатнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари амал қилишлари лозим.